

Аллоҳ таоло маконга муҳтож эмас



19:30 / 15.09.2019 2910

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿تَمُورُهَا فَإِذَا الْأَرْضُ بِكُمْ يُخْفِ أَنْ السَّمَاءِ فِي مَنْ أَمْنُمْ﴾ ۱۶

Осмондаги Зот сизларни изтиробда ҳаракатланиб турган ерга юттириб юборишидан омонда бўлдингизми? (Мулк сураси, 16-оят).

«Осмондаги Зот»дан мурод Аллоҳ таоло, лекин бу «Аллоҳ таоло осмонда» дегани эмас. Чунки Аллоҳ таоло маконга муҳтож эмасдир. У макон ва замондан устун Зотдир. Аҳли сунна ва жамоа эътиқодига биноан, «Аллоҳ таоло ерда ёки осмонда» дейилишига сабаб, Унинг хоҳиши ва ҳукми еру осмонга баробар ўтиши ва Унинг ғолиб эканидир.

Азоб фақат ер ютиши билан эмас, балки бошқа нарсалар билан ҳам бўлади. Бунга келгуси оятлар далилдир.

نَذِيرٍ كَيْفَ فَسْتَعْمُونَ حَاصِبًا عَلَيْكُمْ يُرْسِلَ أَنْ السَّمَاءِ فِي مَنْ أَمِنْتُمْ أَمْ ۱۷

Ёки осмондаги Зот сизларга тошли бўрон юборишидан омонда бўлдингизми? Бас, албатта, огоҳлантириш қандай бўлишини биласизлар. (Мулк сураси, 17-оят).

Бу оятда Аллоҳ таоло бандаларга Ўзининг азобини, мисол учун, худди Лут қавмига юборгандек, хоҳласа, майда тошларни учириб келувчи шиддатли азоб шамолини юбориши мумкинлигини эслатяпти. Агар шундай қилса, ҳеч ким қочиб, қутула олмайди. Шунинг учун келгуси оятда ҳам аввал яшаб ўтган ношукр қавмларга қилинган муомалани эслатмоқда:

نَكِيرًا كَانَ فَكَيْفَ قَبْلِهِمْ مِنَ الَّذِينَ كَذَّبَ وَلَقَدْ ۱۸

Ва дарҳақиқат, улардан аввалгилар ҳам ёлғонга чиқарган эдилар. Бас, инкорим қандай бўлди?! (Мулк сураси, 18-оят).

Яъни аввалги ўтган қавмлар ҳам ўз пайғамбарларини «ёлғончи» деб тухмат қилишган эди. Лекин Аллоҳ таоло буни инкор этди ва барча гуноҳкорларни турли азобларга дучор қилди.

Аллоҳ таоло бандалари эътиборини Ўз қудратига жалб қилиш учун қушнинг яратилиши ҳақида ўйлашга чорлайди.

شَيْءٍ بِكُلِّ إِنَّهُ الرَّحْمَنُ إِلَّا يُمْسِكُهُنَّ مَا وَيَقْبِضُنَّ صَفَّتِ فَوْقَهُمُ الطَّيْرُ إِلَى يَرَوْا أَوْلَمَ

بَصِيرٌ ١٩

Устиларида қанот ёйиб ва йиғиб (учаётган) қушларни кўрмадиларми? Уларни Роҳмандан бошқа ушлаб тургани йўқ. Албатта, У барча нарсани кўриб турувчидир. (Мулк сураси, 19-оят).

Бошқа махлуқотлар қатори, қуш ҳам Аллоҳ таоло қудратининг ёрқин далилидир. Унинг бошқа жонзотлардан фарқ қилиб, чексиз осмонда соатлаб учишининг ўзиёқ алоҳида мўъжиза. Шунинг учун ҳам оятда қушнинг учишига эътибор тортилмоқда.

«Тафсири Ҳиллол» китобидан